



Tadqiqot **UZ**

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 YANVAR
№24**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 24-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
15-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
24-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-15**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
24-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-15**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 24-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУСИҚА ВА ҲАЁТ

1. Parmonova Gulshoda Shamsiddinovna O'QUVCHILARNI MUSIQA FANIGA QIZIQTIRISH.....	7
2. Мансурова Нигорахон Рустамжоновна ШАШМАҚОМНИНГ ТАСНИФ ЧОЛҒУ ЙЎЛЛАРИ ҲУСУСИЯТЛАРИ.....	8



МУСИҚА ВА ҲАЁТ

О'QUVCHILARNI MUSIQA FANIGA QIZIQTIRISH

Parmonova Gulshoda Shamsiddinovna

Navoiy viloyati, Qiziltepa tumani
18-umumiy o'rta ta'lim maktabi
musiqa madaniyati fani o'qituvchisi

Annotatsiya: ushbu maqolada maktab yoshidagi bolalarni musiqa qiziqtirish va buning foydasi to'g'risida so'z boradi. Shu bilan birga musiqa va madaniyat fanini o'qitishda zamonaviy metodlardan foydalanish haqida fikrlar bayon etiladi.

Musiqa shunday kuchga egaki, u insonni tinchlantiradi, dam olishiga yordam beradi, miya faoliyatini yaxshilaydi yoki aksincha ba'zi musiqalar inson salomatligiga salbiy ta'sir qiladi. Asablarni buzilishi, miya faoliyatining zo'riqishiga olib kelishi mumkin. Bu musiqaning insonga ta'sir qilish darajasiga bog'liq. Shu bilan birga, kimdir sokin musiqalarni yaxshi ko'rsa, kimdirda esa aksincha. Tinglovchiga o'zi yoqtirmagan musiqani qo'yib berganingizda e'tibor bersangiz uning harakatlari o'zgaradi va musiqani tinglamaslik uchun har turli bahonalar topa boshlaydi.

Dalcroze metodi musiqa, harakat, ong va tanani birlashtiradi. Ushbu usul dastlab skripka uchun ishlab chiqilgan bo'lsa-da, endi u pianino, fleyta va gitara kabi boshqa asboblarda qo'llaniladi.

Dalcroze usuli, shuningdek Dalcroze Eurhythmics deb nomlanuvchi musiqiy tushunchalarni o'qitish uchun o'qituvchilar tomonidan qo'llaniladigan yana bir yondashuvdir. Shveytsariyalik o'qituvchi Emil Jakues-Dalcroze musiqa va harakat orqali ritm, tuzilish va musiqiy ifodani o'rgatish usulini ishlab chiqdi.

Usulning yana bir tarkibiy qismi improvizatsiya bilan bog'liq bo'lib, bu o'quvchilarga o'z-o'zidan paydo bo'ladigan reaksiyalarni va musiqa bo'lgan jismoniy munosabatlarni keskinlashtirishga yordam beradi.

Dalcroze falsafasining asosi shundaki, odamlar ko'p hislar orqali o'rganishda eng yaxshi narsani o'rganishadi. Dalcroze musiqani taktil, kinestetik, eshitish va vizual hislar orqali o'rgatish kerak deb hisoblagan.

Maktabda o'tiladigan musiqa fanlarini ham ushbu usul orqali o'tish ham zamonaviy ham tarixiy metod birlashmasini hosil qilishga yordam beradi.

Masalan, bunda sinfda turli buyumlarga tegish orqali musiqa yaratish va uni his qilish mumkin. Bu o'quvchilarga ham qiziqarli, ham foydali bo'la oladi.

Maktab darsliklarida ham ritmga tushish haqida ma'lumotlar va misollar keltirilgan. Shu jumladan, ritmga mos kuy hosil qilish va kuyga mos qilgan holda she'rni qo'shiq qilib kuylash orqali o'quvchilarni fanga qiziqitirish mumkin va musiqa fanidagi bilimlari ko'lamini yanada kengaytira olamiz.

Yana shunday usulni qo'llashimiz mumkinki, adabiyot darsliklarida o'qilayotgan asarlar ichidagi qo'shiqlarni jo'r bo'lib kuylash.

Hamda hech o'lmaydigan, bolalarimiz sevadigan o'yinlarni she'rlarini ritmga tushib kuylangan variantlarini sinf bilan birga kuylash mumkin. Vazifa qilib esa kuylangan qo'shiq qaysi o'yinga tegishli bo'lsa o'sha o'yinni yaxshi o'rganib kelishni berib, darsga kelganlarida o'quvchilar bilan birga o'sha o'yinni o'ynash orqali uning musiqasini o'rganish mumkin. Ayniqsa, bahor fasllarida tabiat qo'yniga chiqib oq terak-u ko'k teraklarni o'ynash qaysi o'quvchiga yoqmasligi mumkin.

Musiqa fanini yaxshi bilgan o'quvchilarda turli iste'dodlar paydo bo'la boshlaydi. Ularning hissiyotlari qolganlarga qaraganda anchayin baland bo'ladi desak adashmagan bo'lamiz. Sababi o'quvchilar musiqani sevish bilan birga turli asboblarga chala boshlaydi va boshqalar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. "Teaching music courses in pandemic". Polsha. 2020



ШАШМАҚОМНИНГ ТАСНИФ ЧОЛҒУ ЙЎЛЛАРИ ҲУСУСИЯТЛАРИ

ФарДУ магистранти
Мансурова Нигорахон Рустамжоновна

Аннотация: Мақола ўзбек – тожик халқларининг мумтоз мусиқаси ҳисобланган, Шашмақомнинг мушқилот бўлими Тасниф чолғу йўллари ҳақида умумий маълумотлар ва уларни назарий таҳлиliga қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: Шашмақом, мақом, Бузрук, Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақил, Усул, Хона, Бозгўй, лад, шакл, тузилма, ижрочилик, чолғу, куй.

Чолғу ижрочиличига ҳусусан, мақом санъати ижрочиличига чолғу мусиқаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек- Тожик халқларининг мумтоз мусиқаси ҳисобланган Шашмақом икки бўлимга бўлинади. Чолғу куйларидан ташкил топган бўлим **Мушқилот** номи аталади.

“Мушқилот- арабча сўздан олинган бўлиб, қийинчиликлар, муаммолар деган маъноларни англатади”[1,658]

Шашмақом таркибида куйидаги асосий чолғу йўллари мавжуд: улар – Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақиллардир. Бу куй йўллари олти мақомда бир хил номланади. Бундан ташқари ҳар бир мақомнинг ўзигагина хос бўлган куй йўллари ҳам мавжуд. Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас ва Сақилларнинг олти мақомда номланиши ва усул жиҳатидан бир хил бўлса-да, уларнинг куй мавзулари турличадир. Яна бир умумий ҳусусияти “Хона” ва “Бозгўй” деб номланган куй қисмларидан ташкил топганлигидир. Шашмақом куй йўлларининг ҳар бири мустақил асар ҳисобланиб, бир-биридан тубдан ажралиб туради. Уларнинг лад тузилиши, куй шаклининг мураккаблиги ва мукамал яратилганилиги билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир. Чолғу куйларининг ҳар бири ўзи мансуб бўлган мақом номлари билан бирга қўшиб айтиллади. Масалан, Таснифи Бузрук, Таржеъи Рост, Гардуни Наво, Мухаммаси Дугоҳ, Сақили Наво ва ҳоказо. Шашмақом чолғу йўлларида куй бўлаклари асосий ва муҳим вазифани бажаради. Булар, “Хона” ва “Бозгўй” лардан ташкил топади.


“**Хона** – уй, хона маъносида, яъни “куйни ташкил этган товушлар ва унинг бошқа унсурлари жойлаштирилган хона” маъносини билдиради. Шашмақомнинг чолғу йўлларида хона куйларнинг ўзгарувчан бўлаги бўлиб, унинг жумлалари воситаси билан куй ўз ҳаракати доирасида юқорига, авжга томон ривожлана боради ва аста-секин ўзининг бошланғич нуктасига қайтади ҳамда куйнинг мазмунини бойитишда ва тугал фикр ифода этишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. **Бозгўй** (куйнинг қайтарма бўлаги) эса, куйнинг такрорландиган қисми (рефрен) бўлиб, хонанинг ҳар бир айланишидан сўнг қайтарилади. Кўпинча, куйда қанча хона бўлса, шунча бозгўй бўлади. Баъзан бозгўйлар ҳар бир хонадан кейингина эмас, балки уларнинг бир нечасидан сўнг ёки биринчи хонадан олдин ҳам келиши мумкин (масалан, Таснифи Наво, Таснифи Дугоҳ ва бошқалар). Бу ҳақда ўз ўрнида айтиб ўтамиз. Шундай қилиб, хона ва бозгўйлар мақом чолғу йўлларини ташкил этадиган куй бўлакларидир”[2,166]

Тасниф шашмақомнинг мушқилот бўлимидаги бош асар ҳисобланиб, чолғу йўлларини бошлаб беради. “**Тасниф**” – арабча сўз бўлиб, “яратилган асар”, куй демакдир. Яъни бу ерда басталанган куй, ижод этилган маъноларида ҳам келади. Бундан ташқари усул номи ҳам назарда тутилган. Таснифлар сони олтитани ташкил этади. Яъни: Таснифи Бузрук, Таснифи Рост, Таснифи Наво, Таснифи Дугоҳ, Таснифи Сегоҳ ва Таснифи Ироклардир. Шашмақомда Таснифларнинг бир хил ном билан келишига сабаб, уларнинг усуллари бир хиллигидир. Лекин ҳар бир мақомнинг ўз Таснифи, лади, эстетик таъсири ва ўзига хос эстетик ҳусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.


Тасниф куй йўлларининг такт-ритм ўлчови $\frac{2}{4}$, ёки $\frac{4}{4}$. Куй жараёнида усул мақомларда ўзгармайди. Таснифларнинг дойра усуллари, асосан, бир хил бўлса-да, баъзан куй характерига қараб қисқароқ шаклда ҳам келиши мумкин. Юқорида айтганимиздек мақомларнинг алоҳида ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда усул қисқаради. Бу алоҳида мавзу ҳисобланади. Бузрук ва Наво мақомларида Тасниф дойра усули $\frac{4}{4}$ ёки $\frac{2}{4}$ тактли бўлади ва куйидагича ижро этилади:




ёки усул хилма-хиллиги жиҳатидан куйидаги шаклида:



Рост ва Ироқ мақомларидаги Тасниф доира усули қисқароқ бўлиб, такт бошланишидаги бак ва бум зарблари ўрин алмашади.



Дугоҳ ва Сегоҳ мақомларида Тасниф доира усуллари уч тактни ташкил этади.



Шашмақомда Таснифларнинг куй бўлаклари, яъни хона ва бозгўйлар, тактлар сони турли хилдир.

№	Мақом номи	сони	Хоналар сони	Бозгўйлар сони	Тактлар сони
1.	Бузрук	1 та	8 хона	8 бозгўй	212 такт
2.	Рост	1 та	7 хона	8 бозгўй	338 такт
3.	Наво	1 та	17 хона	3 бозгўй	114 такт
4.	Дугоҳ	1 та	7 хона	8 бозгўй	150 такт
5.	Сегоҳ	1 та	4 хона	4 бозгўй	125 такт
6.	Ироқ	1 та	8 хона	9 бозгўй	326 такт

Куй йўллари ташкил этган хоналар ҳар бир бозгўйдан кейин ёки бирин-кетин хоналар ижро этилишида авжга томон ҳаракатланган сайин диопозон кенгайиб, куй мазмуни янада чуқурлашиб, бойиб боради.

Куйнинг ривожланиши тактлар сони билан белгиланмайди. Балки ҳар бир хона ўз функциясига эга бўлади. Шашмақом, умуман мақом миллий ижрочилигида асарлар чолғу имкониятларидан келиб чиқиб ёки овоз тараннумига қараб танланади. Сабаби: Шашмақом ижрочилиги танбур созига асосланган бўлса, ҳар бир мақомнинг пардалари мақомларда турлича созилади. Танбур-Бузрук, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомларида квартага, Рост мақомида квинтага, Наво мақоми эса катта секундага созилади. Масалан, чолғуларнинг диопозони ва тулича ижро этилиши, чолғу созларининг гуруҳларга бўлиниши, созларнинг бир-бирига мутаносиблиги, ижрочилик имкониятилари жиҳатидан келиб чиққан ҳолда ижро этилади. Масалан: Таснифи Бузрук, Таснифи Наво чанг, рубоб, уд чолғуларида ижросида жуда-ям чиройли тараннумга эга. Таснифи Дугоҳ, Таснифи Сегоҳ дугтор, танбур, ғижжак, най чолғуларида ўзгача янграйди. Анъанавий чолғу ижрочилигида Таснифлар асосий ва муҳим ижро ҳисобланади. Якка ҳолатдаги ижрода асар ўз моҳиятини тингловчига чуқур етказиб берса, ансамбл ижросида эса, умумийлик нуқтаи назаридан кучли фалсафий ёндашувни талаб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Таснифлар мазмун-моҳияти жиҳатидан тингловчида ўзгача таъсурот қолдиради. Тасниф йўллари кишига умид, кўтаринки руҳ бахш этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати А.Мадвалиев таҳрири остида Тошкент. 658 - бет
2. Исҳоқ Ражабов Мақомлар Тошкент 2006 йил. 166-бет
3. Ю.Ражабий Шашмақом “Бадиий адабиёт” нашриёти Тошкент 1966 йил. 27- бет

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 24-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(15-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.01.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000